



ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОЛОГИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ҲАҚИДА БАЎЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

А.Х. Дониёров

Тарих фанлари доктори, профессор

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Калит сўзлар: этногенез, этник тарих, “миллий автохтонизм” концепцияси, “миллий этнография мактаби”, “ўзбек маданияти”, конструктивизм, этноцентризм, этнофобия.	Аннотация: Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон этнологиясининг бугунги ҳолати, ундаги ютуқлар ҳамда камчиликлар таҳлил қилинган. Хусусан, бугунги кунда фан олдидаги мавжуд назарий-методологик камчиликлар ҳамда замонавий муқобил назарияларга эҳтиёж, соҳага доир тадқиқотларда ЎЗР ФА Тарих институти “Этнология ва антропология” бўлимининг роли, мустақиллик йилларида Ўзбек халқи этнологиясининг тадқиқ этиш бўйича халқаро ҳамкорлик масаласи, фаннинг замонавий соҳалари ҳамда ундаги дарсликлар муаммоси ёритилиб, уларнинг илмий ҳамда амалий ечимига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.
--	---

SOME REMARKS ON THE PRESENT STATE OF HISTORIOGRAPHY OF ETHNOLOGY OF UZBEKISTAN

A.Kh. Doniyorov

DSc, Professor,

Tashkent State University of Oriental Studies,

Key words: ethnogenesis, ethnic history, the concept of "national autochthonism", "national school of ethnography", "Uzbek culture", constructivism, ethnocentrism, ethnophobia.	Abstract: This article analyzes the current state of the ethnology of Uzbekistan during the years of independence, its achievements and shortcomings. In particular, the existing theoretical and methodological shortcomings of science and the need for modern alternative theories, the role of the Department of Ethnology and Anthropology of the Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan in the field of research, the issue of international cooperation in research on the ethnology of the Uzbek people in the years of independence, modern areas of science and textbooks in it the problem is highlighted, proposals and
--	--

recommendations are developed for their scientific and practical solution.

НЕКОТОРЫЕ ЗАМЕЧАНИЯ О СОВРЕМЕННОМ СОСТОЯНИИ ИСТОРИОГРАФИИ ЭТНОЛОГИИ УЗБЕКИСТАНА

А.Х. Дониёров

доктор исторических наук, профессор

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ключевые	слова:	Аннотация:
этногенез, история, «национальный автохтонизм», «национальная школа «узбекская конструктивизм, этноцентризм, этнофобия.	этническая понятие этнографии», культура»,	В данной статье анализируется современное состояние этнологии Узбекистана за годы независимости, ее достижения и недостатки. В частности, существующие теоретико-методологические недостатки науки и потребность в современных альтернативных теориях, роль отдела «Этнологии и антропологии» Института истории АН РУз в области исследований, вопрос международного сотрудничества в исследованиях этнологии узбекского народа в годы независимости, современные области науки и учебники в нем освещается проблема, вырабатываются предложения и рекомендации по их научному и практическому решению.

Мустақилликнинг илк йилларидан маҳаллий халқлар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига, шунингдек истиқлол имконияти туфайли миллий қадриятларнинг қайта тикланиши ва уларнинг янгича тафаккурнинг шаклланишидаги маънавий аҳамиятига доир кўплаб этнографик тадқиқотлар амалга оширилди. Бунинг натижаси ўлароқ катта ҳажмдаги мақолалар, рисола ва монографиялар, диссертацион тадқиқотлар вужудга келди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида чоп этилган этнографик ишларни таҳлил қилар эканмиз, бу тадқиқотларда тавсифий мазмун устуворлигини кўрамиз. Ўзбек халқи этнографик ўрганилиши методологиясида ҳам ўзгаришлар деярли кузатилмади. Энг кўп эътибор қаратилган мавзулардан бири **“этногенез ва этник тарих масаласи”** эса “этнос” назарияси асосида талқин қилиш давом эттирилди. Бу даврда ижод қилган этнограф олимлар К. Шониёзов, А. Асқаров, И. Жабборовлар ҳам илмий изланишларини айнан шу методология асосида олиб бордилар. Мустақил Ўзбекистонда бошланган миллий ўзликни англаш, тарихий хотирани қайта тиклаш, совет мафкурасидан халос бўлиш жараёнида бу назария ўзбекларнинг тарихий илдизларини янада қадимийлаштириш учун восита бўлиб хизмат қилиб келди.

Аммо, истиқлолнинг дастлабки йилларида сиёсий нуқтаи назардан зарур бўлган **“миллий автохтонизм”** концепцияси, вақт ўтиши замирида этнографиянинг асосий муаммоларидан бирига айланиб борди. Негаки, этнографияда “этнос” назариясига қўшимча равишда бошқа янгича қарашлар ва методология ривожланмади. Натижада, Европа ва АҚШ ижтимоий ва маданий антропологияси ютуқлари ва уларнинг муқобил назарияларини ўрганиш ишлари жуда сушт олиб борилиб, этнографияда “турғунлик”

ҳолати юзага келди. Соҳанинг етакчи олимларидан бири К. Шониёзовнинг вафоти эса, ХХІ аср бошида этнографияда энди шаклланишни бошлаган **“миллий этнография мактаби”**нинг юзага келишини бирмунча орқага сурди. К. Шониёзовнинг тадқиқотлари ва илмий фаразлари эса бошқа этнограф олимлар томонидан етарлича ривожлантирилмади.

Этнография соҳасида методологик “бўшлиқ” юзага келиб, халқ тарихини ўрганиш ва ўқитишда этнос назарияси қарашлари давом этар, аммо бу назарияни чуқур англаб уни ривожлантирадиган тадқиқотчилар етишмас эди. Шу сабабли методологик жиҳатдан ушбу назария етарлича ривожлантирилмади ёки ўрнига бирор янги муқобил бошқа назариялар тақдим этилмади. Бунинг оқибатида Ўзбекистон этнографияси ва унинг халқ тарихини ўрганишдаги методологик қарашларига (этногенез жараёнини қадимийлаштириш) нисбатан танқидий руҳдаги мақолалар (*Алишер Илҳомов, Марлен Ларуэль, Чарльз Курзман, Эдвард Олворт*¹) чоп этилди. Ушбу ишлардан баъзиларига (А. Илҳомов) Д.Алимова бошчилигидаги бир неча олимлар томонидан жавоб қайтарилган бўлса-да, асосий муаммо, методологик жиҳатдан “этнос” назариясини “тўғрилиги”ни исботлаш масаласи очик қолди. Бу масалани ечими сифатида бир неча сценарийларни башорат қилиш мумкин. Биринчиси, “этнос” назариясини тўлиқ қайтадан кўриб чиқиш, унинг ўзбек халқи тарихини ёритишдаги аҳамияти ва ўрнини аниқ белгилаш ҳамда методологик жиҳатдан асослаб бериш масаласи. Яъни, этногенезнинг бошланиш нуқтасини сунъий равишда қадимийлаштиришдан қочиб, аниқ чегараларини белгилаш ва унинг асосларини шакллантириш. Иккинчиси, ушбу назарияга муқобил сифатида бошқа хорижий назарияларни эътиборга олиш ва халқ тарихини ўрганишда маданий ёки этномаданий жараёнларни бирламчи ўринга чиқариш. Бу орқали маданий антропология соҳасига интеграциялашув жараёнини кучайтириш. Бу ҳолатда ўзбек халқига хос бўлган ўзига хос этномаданий жиҳатлар шаклланиб бўлган давр халқнинг халқ сифатида шаклланиб бўлган даври сифатида қабул қилинади. Бу ҳолатда бирламчи сифатида аниқ бир этнос эмас, балки **“ўзбек маданияти”** қабул қилинади. Учинчиси, **конструктивизм** вакиллари томонидан кенг тарғиб қилинаётган халқ номи билан унинг шаклланиш тарихини боғлаш бўлиб, унда ўзбек халқи тарихи узоғи билан ХVІ асрга, бу давр инкор этилган тақдирда 1924 йилга, бу ҳам инкор қилинганда 1991 йил билан боғлашдир. Бу ҳолатда ўзбек халқи маълум бир тарихий ижтимоий-маданий жараёнлар маҳсули сифатида эмас, балки маълум бир сиёсат сунъий қурилмаси сифатида қабул қилинади. Ўзбек халқи ва унинг ўзига хос маданияти узоқ йиллар давомида ривожланиб келгани, этномаданий жиҳатдан кўплаб компонентларни ўзида мужассамлаштирганини эътиборга олган ҳолда этнос назариясининг ютуқларини қабул қилиш, шу билан бирга, этногенез жараёнини сунъий қадимийлаштиришдан қочиб, уни маданий жиҳатдан яхлитланган даврни шаклланиш жараёнининг бошланиш нуқтаси сифатида олиш мумкин. Ушбу таклиф муаллифнинг шахсий хулосаларидан бўлиб, бу масала бўйича кенг қўламли методологик изланишлар бошланган.

Тадқиқотларни амалга оширишда методологик оқсашлар мавжудлигига қарамай, Ўзбекистонда этнология соҳаси ривожда ишлар тўлиқ тўхтаб қолган, дейиш ҳам мумкин эмас. ХХІ аср тадқиқотларининг аксарият қисми ЎзР ФА Тарих институти “Этнология ва антропология” бўлими томонидан амалга оширилган бўлиб, унинг фаолияти натижасида бир қанча жамоавий ва муаллифлик монографиялари, рисола ҳамда мақолалар чоп этилди. Бундан ташқари, ЎзР ФА Тарих институти “Этнология ва антропология” бўлими томонидан “Карим Шониёзов ўқишлари” туркумида мунтазам ўтказиб келинаётган анъанавий илмий анжуман этнология соҳаси ривожда муҳим ўрин тутмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу анжуман доирасида кўплаб ёш тадқиқотчиларнинг янги қарашлари ва

¹ 1.Олворт Э. Современные узбеки: с четырнадцатого века до наших дней. 2. Илхамов А. Археология узбекской идентичности. 3. Курзман Ч. Узбекистан: изобретение национализма в выдуманной нации 4. Ларуэль М. Рассказанная нация: политический и культурный национализм Узбекистана.

изланишлари натижалари акс этган маърузалари эшитилмоқда. Аммо бу изланиш натижаларининг аксарият қисми фақатгина конференция тўпламида қолиб, амалиётга жорий этилмай қолмоқда.

Ўзбекистон ва хорижий этнография, этнология ва антропология марказлари ўртасидаги ҳамкорлик сушт бўлса-да, давом этди. Бу ҳамкорликнинг натижасида 2011 йилда ЎзР ФА Тарих институти ҳамда Россия ФА Этнология ва антропология институти ҳамкорлигида йигирма йилдан ошиқроқ вақт мобайнида амалга оширилган йирик тадқиқот – “Ўзбеки” (“Ўзбеклар”)² номли фундаментал монография нашр қилинди. Монографияда йиллар давомида тўпланган кўплаб этнографик материаллар ўз аксини топди. Аммо бу асар рус тилида, жуда кам нусхада чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон этнографлари, изланувчилари ва умуман халқ тарихига бефарқ бўлмаган тадқиқотчиларга етиб бормади. Натижада бу тадқиқотда тақдим қилинган кўплаб мулоҳазалар кенг илмий жамоатчилик ва маҳаллий муассасалар эътиборидан четда қолди.

Мулоҳазаларимизни умумлаштириб айтадиган бўлсак, методологик жиҳатдан ўзбек этнологиясида совет даврида яратилган “этнос” назариясидан деярли ўзгаришсиз ва ривожлантиришларсиз фойдаланиш давом этмоқда. Глобаллашув ва тез ўзгарувчан замонда ҳар бир соҳа бу ўзгаришларга тайёр бўлиши кераклигини ҳисобга олсак, Ўзбекистон этнологияси ҳам методологик жиҳатдан янгиланиб бориши, эски назариялар тез-тез қайта кўрилиб, ривожлантирилиб, оптималлаштирилиб борилиши, агар эски назария замон талабига жавоб бермаса уни бошқа муқобил назария билан алмаштирилиши зарур. Ўз вақтида амалга оширилган соҳа ва методология ислоҳоти этнология ва антропологияни ривожланишидаги янги бир қадам бўлиб хизмат қилади ва эътирозга сабаб бўлаётган “этноцентризм” ҳамда “этнофобия” каби жиҳатларини бартаф этишга йўл очади.

Ўзбекистонда этнология фанини ўқитиш масаласида ҳам муаммолар талайгина. Мустақилликнинг илк йилларида кузатилган дарслик танқислиги тобора ўз ечимини топиб, бугунги кунда янги дарсликларни яратилиши билан ҳал этилмоқда. Аммо бу дарсликлар асосан таянч билимларни ўргатувчи хусусиятга эга бўлиб, этнология ва антропологиянинг кўплаб янги йўналишларини ўргатувчи дарсликларга ҳамон эҳтиёж катта бўлиб қолмоқда. Бу дарсликларнинг сифати ва маълумотларини назоратга олиб, уни ташкил этувчи ягона марказнинг йўқлиги, дарсликлар ва улардаги маълумотларни долзарблик даражасини доимий мониторинг қилиш жараёнини амалга оширилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Мустақиллигимизга 30 йил бўлиб, соҳа бўйича етарли таянч билимлар тўплангани ва тадқиқотчилар шаклланишига қарамай, ҳанузга қадар ягона “Этнологлар жамияти” тузилмади. Бундай жамиятнинг йўқлиги, соҳа ривожланишидаги камчиликларни аниқлаш ва муаммолар ечимини топишга қаратилган ишларни ортга сурилиши, ҳозирда катта муаммоларни вужудга келтирди. Хусусан, ҳозирги кунда ўзбек халқининг тарихи ва миллий ўзлигини англаши бўйича даврлар кесимида этнограф тадқиқотчилар деярли йўқ. Чунки назарий этнолог ва антропологларга нисбатан амалиётчи тадқиқотчиларнинг анча кўплиги, уларнинг ўртасида мувозанат ўрнатилмаганлиги сабабли янги авлод тадқиқотчилари орасида замонавий амалий изланишларга “қочиш” эффекти (тенденцияси) кузатилмоқда. Бу эса амалий этнологиянинг ривожланиб, назарий этнологиянинг сушт ривожланиши, натижада кўплаб далилий маълумотларни қандай назария орқали талқин қилиш муаммоси юзага келди. Бу сўнгги йилларда ҳимоя қилинаётган аксарият ишларда тадқиқотнинг назарий ва амалий қисми бир биридан мазмунан узоқлашиб қолаётганлигида кузатилади.

Бундан ташқари хорижий тажриба ва илмий адабиётларнинг етишмаслиги, этнология ва антропология мактабининг шаклланимаганлиги, мавзулар фақатгина “анъанавий” ёки “замонавий” тарзда гуруҳлаб қўйилганлиги, ўзбек миллатининг бугунги

² Ўзбеки. [Отв. редакторы: Д. А.Алимова, С. Н. Абашин, З. Х. Арифханова]. Москва: Наука, 2011. 688 с.

ҳолатини тадқиқ этишга қаратилган ишларнинг етишмаслиги, методологик жиҳатдан назарий билимларнинг нўноқлиги, этнографик тадқиқотлар асосан тавсифийликка айланиб қолганлиги, бугунги кунда катта муаммоларга сабаб бўлаётган миграция, глобаллашув ва идентиклик инкирози каби масалаларга эътибор камлиги ва бошқа муаммолар этнография фанини том маънода этнология ёки антропология даражасига кўтарилишига тўсқинлик қилиб келмоқда.

Ҳозирги даврда хориж этнология ва антропологияси тадқиқот соҳалари жуда ҳам кенгайиб, жамиятнинг турли томонларини чуқур ишлари олиб борилмоқда. Мисол учун Россиядаги бугунги этнология ва антропология тадқиқот йўналишларини кўрадикан бўлсак, сўнгги 10-15 йилда “Этноэкология”, “Этнопсихология”, “Этномусиқашунослик”, “Этноархеология”, “Миллатлараро муносабатлар”, “Замонавий даврдаги кичик этник гуруҳлар”, “Этниклик ва дин”, “Маросимий маданият”, “Ҳарбий ва иш қуролларининг этномаданий хусусиятлари”, “Нонвойчилик этнографияси”, “Халқ табобатининг ўрни ва аҳамияти”, “Оғзаки тарих этнографик тадқиқот усули сифатида”, “Аудиовизуал этнология” каби йўналишлари шаклланди. Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда янги тадқиқотлар йўқ эмас. Масалан, “Халқ табобатининг ўрни ва аҳамияти” йўналишида Х. Жуманазаров, “Замонавий даврдаги кичик этник гуруҳлар” йўналишида бўйича Ш.Искандаров, З. Қорёғдиев, Ё. Ортиқов, Л. Пак, “Этниклик ва дин” йўналишида Б. Холмуродов, М. Асқаров ва бошқаларнинг изланишларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Аммо бу йўналишлар доирасини янада кенгайтириш, замонавий тадқиқот усулларини қўллаш орқали бугунги кундаги халқнинг ижтимоий-маданий қарашлари, глобаллашув ва пандемия шароити туфайли жамият ҳаётида содир бўлган ўзгаришларни ҳам ўрганиш долзарблик касб этмоқда.

Албатта, соҳада муаммолар кўп, аммо бу муаммоларни изчил ва қатъий ишлар орқали бартараф этиш мумкин. Юқоридаги муаммолар мазмунидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ечимларни таклиф қиламиз:

- Ўзбекистон этнолог ва антропологлар жамиятини тузиш ва фаолиятини йўлга қўйиш;

- ЎзРФА Тарих институтидаги “Этнология ва антропология” маркази фаолиятини такомиллаштириш ва уни йўналишларга ажратиш. Масалан, “Халқ тарихини ўрганиш”, “Моддий ва маънавий маданиятни ўрганиш”, “Диаспоралар ва бошқа халқларнинг этнографиясини ўрганиш”, “Шаҳар антропологияси” каби йўналишларга бўлиш ҳамда, шу йўналишларни ўрганувчи алоҳида мутахассисларни тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш ва бунинг асосида изланишларни олиб бориш;

- “Ўзбекистон этнологияси ва антропологияси” журналин ташкил этиш ва соҳа ютуқларини оммалаштириш;

- соҳа бўйича замонавий дарсликларни ёзиш, хорижий адабиётларни таржима қилиш ва чоп этиш ишларини йўлга қўйиш;

- миллий кадриятларимиз ва анъаналаримизни, халқ тарихи, урф-одатларни тарғиб қилишга хизмат қилувчи, этнотуризм соҳаси ривожига хизмат қилувчи турли тиллардаги ТВ кўрсатувларни доимий тарзда ташкил қилиш ва оммалаштириш ва б.

- бошқа соҳалар билан интеграция ва ҳамкорликни кучайтириш натижасида янги йўналишларни янада ривожлантириш (*этногеография, этнодемография, этник экология ёки экологик этнография, этнозоология, этноботаника, этник антропология, этнопсихология, этнопедагогика, этносиёсат, этноархеология, этник диншунослик, ҳуқуқий этнология ёки ҳуқуқлар антропологияси, шаҳар этнологияси ёки антропологияси ва б.*);

- соҳага турли хорижий этнолог ва антропологларни жалб этган ҳолда, замонавий методологик ва тадқиқот усулларини ўқитиш ҳамда малака ошириш ишларини ташкил қилиш;

– илмий экспедициялар ва ўзаро ҳамкорлик ишларини йўлга қўйган ҳолда хорижий грантларни жалб қилиш ҳамда соҳани даромадли йўналишлардан бирига айлантириш.

Албатта, Этнология соҳасида сўнгги йилларда кўплаб изланишлар амалга оширилди, тадқиқотлар доирасидан янги мавзулар ўрин олди, қатор диссертациялар муваффақиятли ҳимоя қилинди, хорижий илмий адабиётларни тарихшунослик таҳлили асосида бажарилган тадқиқотлар пайдо бўлди – буларнинг барчаси Ўзбекистон этнологиясини тўғри йўналишда ҳаракатда эканлигидан далолат беради. Аммо, юқорида тилга олинган камчиликларни бартараф қилиш ва таклифларни амалиётга татбиқ этиш ўзбек халқи ва Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бошқа кўплаб халқлар этнографиясини ҳар томонлама чуқур ўрганишда фойдали бўлади, деб умид қиламиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон этнографияси манбавий ва маълумот тўплаш билан чекланиб, методологик жиҳатдан “турғун” ҳолатга келиб қолди. Айтиш пайтда этнолог олимлар изланишларини юқори даражада ташкил этишга, дунё илғор тажрибасини ўз фаолиятларида қўллашга уринаётганликлари этнология ривожига муҳим омил бўлаётганлигини ҳам қайд қилмоқ лозим. Зеро, соҳанинг жамият ҳаётидаги ўрни бекиёслигини глобаллашув ва интеграциялашув жараёни яна бир қарра тасдиқлади. Шу сабабли, соҳага янги нафас бериш, унинг Ўзбекистон давлати келажакдаги барқарорлигини, унда истиқомат қилаётган турли миллатларнинг жипслигини таъминлашида муҳим омил бўлади, диний ва этник низоларни олдини олиш ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, глобаллашув шароитида миллий қадриятларни сақлаш ва келажак авлодларга етказишда катта аҳамият касб этади.